

9. Djasurovna, S. (2020). Strategik marketing Toshkent –Архив научных исследований извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1547>
10. Djasurovna, S. (2020). Тармоқлар ва соҳалар маркетинги. Архив научных исследований, извлечено от <https://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/1396>
11. Ganijonovich, J. J. (2016). Importance motivational methods on marketing management in the light industry enterprises. SAARJ Journal on Banking & Insurance Research, 5
12. Jalilov, J. (2020). Корхоналарнинг маркетинг фаолиятида мотивация усулларини қўллаш зарурати. Архив научных исследований,
13. Ruzieva Dilobar Isomjonovna Risks and ways to prevent them in developing the activities of small business entities. Journal of Management Value & Ethics. Special issue. Sept.-Oct. 21 Vol.11 No.04. SJIF 7.201 & GIF 0.626 ISSN-2249-9512.
14. Ўзбекистон Республикасининг “2021 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни лойиҳаси ва 2021 йил учун Бюджетнома бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг хулосаси, Тошкент. 2020.-75 б.
15. Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари 2020 йил. <https://www.stat.uz>
16. Ипотека банк 2020 йил учун ҳисоботи <https://www.ipotekabank.uz/upload/Annual%202020%20Uzb.pdf>
17. Муаллиф ишланмаси асосида тузилган
18. Ўзбекистон республикаси Марказий банки статистик бюллетени 2021 йил 10 ойлик.Тошкент 2021. <file:///C:/Users/Admin/Downloads/Telegram%20Desktop/MB-statistik-byulleteni-2021-yil-10-oylik.pdf>
19. Ўзбекистон республикаси Марказий банки статистик бюллетени 2021 йил 10 ойлик.Тошкент 2021. <file:///C:/Users/Admin/Downloads/Telegram%20Desktop/MB-statistik-byulleteni-2021-yil-10-oylik.pdf>
20. Jalilov, J. (2020). Маркетингда истеъмолчига йўналтирилган мотивация назариялари. Архив научных исследований.
21. Jalilov, J. G. (2018). Use of Motivation Methods used to Motivate Media in Light Industry Enterprises. Economics and Innovative Technologies, 2018, 25.

## КИЧИК БИЗНЕСНИНГ ОИЛАЛАР ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ

**Махмудов Одилжон Холмирзаевич –**

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнология институти  
“Агробизнес ва маркетинг” кафедраси и.ф.н., доцент

**Аннотация.** Мақолада оила иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг моҳияти ва зарурияти, оилаларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашда давлатнинг роли, оилаларни кичик бизнес соҳасида жалб қилган ҳолда камбағалликдан чиқариш муаммолари, оилавий табдиркорликни қўллаб-қувватлаш натижасида аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек оила иқтисодий барқарорлигини таъминлашда кичик бизнеснинг роли ёритилган.

**Калит сўзлар:** Оила, иқтисодий барқарорлик, уй хўжалиги, ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ижтимоий барқарорлик, оилавий бизнес, иш ўринларини яратиш, даромад, ижара, хизмат кўрсатиш соҳаси.

## РОЛЬ МАЛОГО БИЗНЕСА В ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СТАБИЛЬНОСТИ СЕМЕЙ

**Махмудов Одилжон Холмирзаевич –**

Андижанский сельскохозяйственный и агротехнологический  
институт, кафедра “Агробизнес и маркетинг” к.э.н., доцент

**Аннотация.** В статье рассматриваются сущность и необходимость обеспечения экономической стабильности семьи, роль государства в социально-экономической поддержке семей, проблемы вытеснения семей из бедности путем вовлечения в малый бизнес, роль малого бизнеса в обеспечении занятости населения в результате поддержки семейного воспитания, а также обеспечение экономической стабильности семьи.

**Ключевые слова:** семья, экономическая стабильность, домашнее хозяйство, социальная поддержка, социальная стабильность, семейный бизнес, создание рабочих мест, доход, аренда, сфера услуг.

## THE ROLE OF SMALL SCALE BUSINESS IN ENSURING ECONOMIC STABILITY OF FAMILIES

**Makhmudov Odiljon Holmirzaevich –**

Andijan agricultural and agrotechnological Institute department  
of “Agro business and marketing” PhD, associate professor

**Annotation.** The article covers the essence and necessity of ensuring economic stability of the family, the role of the state in socio-economic support of families, the problems of expulsion of families from poverty through involvement in small business, the role of small business in ensuring employment of the population as a result of support of Family Outreach, as well as ensuring economic stability

**Keywords:** family, economic stability, household, social support, social stability, family business, job creation, income, rent, service sector.

**Кириш.** Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг жамият ҳаётида чуқур ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар амалга оширила бошланди. Бу ўзгаришлар жамиятнинг асосини ташкил этувчи оиланинг эҳтиёжлари, манфаатларининг қанчалик рўёбга чиқиши, ҳар бир оиланинг фаровонлиги қай даражада таъминланганлиги билан бевосита боғлиқ ҳолда кечмоқда. Шунинг учун ҳам оилаларга нафақат жамиятнинг бошланғич бўғини, айти пайтда ижтимоий барқарорликни таъминловчи омил, миллий иқтисодиётни такомиллаштиришга хизмат қилувчи мустақкам иқтисодий таянч сифатида қаралмоқда. Шу билан бирга, оила жамият тараққиётида муҳим ўрин тутадиган ижтимоий макон ҳисобланиб, унинг барқарорлигини таъминлаш асосидагина жамиятда етук салоҳиятли ишчи кучига эга бўлинади.

Таъкидлаш жоизки, Республикамизда оилани ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш давлат даражасига кўтарилган бўлиб, уни ривожлантиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар бундан далолат беради. Чунончи, республика Президенти Ш.М.Мирзиёев 27 февраль 2020 йил куни тадбиркорликни ривожлантириш орқаи Камбағалликни қисқартиришга қаратилган чора-тадбирлар бўйича видеоселекторида, Ватанимиз тараққиётини янада юксалтиришга қаратилган энг муҳим ва долзарб мақсад вазибаларга тўхталиб, "...ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, ёрдам ва кўмакка муҳтож тоифаларга, ҳам таъминланган оилаларга эътибор ва ғам-хўрликни кучайтиришга қаратилган ижтимоий ҳимоя сиёсати янги босқичда давом эттирилиши билан бирга 12–15 фоиз ёки 4–5 миллион аҳолининг Камбағал эканлиги, уларнинг бир кунлик даромади 10–13 минг сумдан ошмаслиги, ёки бир оилада машина ҳам, чорва ҳам бўлиши мумкин, лекин бир киши оғир касал бўлса, оила даромадининг ҳамида 70 фоизи уни даволатишга кетаётганлиги, оилларнинг овқатланиши, даволаниши, болаларини ўқитиши, қийинтириши каби ҳаётий эҳтиёжларини нима билан қондирилайётганлиги тўғрисида" алоҳида таъкидлаб ўтди[1].

Оиланинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш хусусиятларини ўрганиш, биринчи навбатда, оиланинг моддий аҳволини муҳаммал тадқиқ этишни тақозо этади. Ўзбекистонда 2020 йил январ–март ойларига келиб ўртача иш ҳақи 2,5 миллион сўмни ташкил этди[2]. Тадқиқот объекти ҳисобланган Республикамизни айрим вилоятларида эса республикага нисбатан 20 % камроқ. Вилоятларда жон бошига тўғри келувчи даромадлар 2015 йилга нисбатан 2020 йилда 4,5, харажатлар 4,52 бараварга ортганлигини кўрсатди[3]. Шу ўринда айтиш жоизки, бугунги кунда вилоятда яшовчи оила харажатла-

рининг аксарият қисми, яъни 53,9 % озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишга, 16,1 % хизматлар учун харажатларга сарфланган [4].

Шу билан бирга, вилоятларда болалар, қариялар салмоғининг нисбатан юқорилиги, шунингдек, яратилган иш ўринлари сони ўсиш суръатининг меҳнат ресурсларига нисбатан пастлиги натижасида оилада 1 та боқувчига ўртача 1,4 боқиманда тўғри келмоқда. Юқорида қайд этилган ҳолатлар вилоятларда оилаларнинг иқтисодий аҳволида қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Бугунги кунда Республикамизда, қолаверса, вилоятларда оилаларни, айниқса кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бироқ, вилоятларда оиланинг моддий ҳолатида юз бераётган ўзгаришлар унинг иқтисодий барқарорлигига таъсир қилмоқда. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, оилаларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш масалаларини атрофлича ўрганиш, таҳлил қилиш ва илмий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш шу куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

#### Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Олиб борилган тадқиқотимиз даврида иқтисодий адабиётларни ўрганишда "оиланинг иқтисодий барқарорлиги" тушунчаси, унинг ижтимоий-иқтисодий омиллари, фаолиятига доир жиддий тадқиқотлар ўтказилмаганлигини кўрсатди. Шу ўринда айтиш керакки, оила психологияси, оила педагогикаси, оила демографияси, социология каби фанлар доирасида ўтказилган тадқиқотларда муайян маънода оила барқарорлигини таъминлашга доир баъзи умумназарий фикрлар билдирилган. Аммо, айти пайтда оила барқарорлигини таъминлашга бевосита асос бўладиган, унинг иқтисодий омилларига оид назарий-услубий асоси ва концепцияси ўрганилмаган. Шундан келиб чиққан ҳолда тадқиқотда оилалар иқтисодий барқарорлигини таъминлашнинг иқтисодий механизмини ёритиб беришга ҳаракат қилдик.

Россиялик олима О.В. Губкова томонидан "замонавий иқтисодиётда тадбиркорлик роли" номли илмий ишида "Тадбиркорлик солиқ тушумларининг асосий манбаларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Тадбиркорлик турли ташкилотларнинг фойдасидан ажратмалар орқали бюджетни шакллантиришда иштирок этади" деб айтиб ўтган[5].

А. Абдуллаев, А. Сотволдиев, А. Қодиров ва бошқа муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш, режалаштириш ва бошқариш" номли ўқув қўлланмада "...диққат марказимизда туриш керак бўлган масала мамлакатимиздаги

сиёсий-иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг пойдевори бўлиши кичик ва ўрта мулкдорлар синфини шакллантиришдан иборат” дея таъкидланган [6].

Х.Т.Азизов, О.Оқюлов ва бошқалар томонидан ишлаб чиқилган “Тадбиркорлик бизнес ҳуқуқи” номли дарсликда мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг давлат томонидан тўлиқ кафолатланганлиги иқтисодиётни янада ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади” дея айтиб ўтганлар. Демак тадбиркорлик билан шуғулланиш оилаларни иқтисодий муҳтожликдан олиб чиқади [7].

М.П.Эшов муаллифлигида Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши” номли монографиясида “..яна шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодиётни янада либераллаштириш шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ягона мезон асосида аниқлаш бандлик муаммосини ижобий ҳал этишга акс таъсир кўрсатади” деб фикр билдирилган [8].

“Оиланинг иқтисодий барқарорлиги” тушунчасини ёритишдан олдин “барқарорлик” категориясининг мазмун-моҳиятини очиб беришни мақсадга мувофиқ, Бир қатор муаллифлар (С.И.Голод., Н.А.Юркевич, З.А.Янкова) “стабиллик” тушунчасини оиланинг муваффақиятли ривожланиши характеристикасини ифодалаш учун қўллаган. Бошқа бир гуруҳ мутахассислар эса (В.А.Сысенко, Е.Г.Гукова, И.Ф.Деменкева), “стабиллик” тушунчасига маълум маънода негатив мазмун берган ҳолда уни позитив бўлган “барқарорликка” қарши қўядилар. Барқарорлик эса, динамик мазмундаги категория ҳисобланиб, уни уйғунликда ривожланадиган эр-хотин иттифоқини таърифлашда қўллаш мумкин [9].

**Тадқиқот методологияси.** Илмий тадқиқот давомида анализ ва синтез, аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил усулларида самарали фойдаланилган. Тадқиқотимизда қиёсий таҳлил, аналитик таҳлил йўналишлари орқали муаммони чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилинган. Муаммони ечимга олиб боровчи стратегик йўналишлар белгиланган. Тадқиқот объекти сифатида оилани иқтисодий барқарорлик кўрсаткичлари ўрганилган.

**Таҳлил ва натижалар.** Иқтисодий нуқтаи назардан барқарорлик вақт билан боғлиқ тушунча ҳисобланади. Жумладан иқтисодий воқеа ва ходисанинг ижобий тенденциясининг давомийлиги ёхуд унинг даражасининг узоқ муддатлилигидир. Бошқа тарафдан, мазкур тушунча миқдорий кўрсаткичларини ҳам ўзида акс эттиради. Яъни, ижобий иқтисодий кўрсаткичларнинг минимал, салбий кўрсаткичларнинг максимал чегаралари ўрнатилади. Умумий ҳолда, барқарорлик вақт давомидаги натижавий кўрсат-

кичларнинг ижобий ҳолати ҳисобланади. Оиланинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш кўпчилик ҳолларда унинг иқтисодий фаолияти билан боғлиқ. Шу боис, ҳар қандай оила уй-рўзғордаги маиший муаммоларни ҳамжиҳатликда ҳал этиб, ўзини-ўзи иқтисодий жиҳатдан таъминлаган тақдирдагина барқарор бўлиши, жамиятда рўй бераётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг фаол субъектига айланиши мумкин. Шу билан бирга, оила жамиятнинг бирламчи ижтимоий-иқтисодий бўғини ҳисобланиб, унда аҳоли даромадлари шаклланади ва унинг аъзоларининг моддий-иқтисодий ҳамда истеъмол эҳтиёжлари қондирилади.

XXI асрга келиб бутун дунё иқтисодиётида бир қатор глобал иқтисодий жараёнлар юзага келганлиги сабабли жаҳон миқёсида ялпи талабнинг камайиши натижасида ишсизлик даражасининг кескин ўсиш ҳолатлари кузатилмоқда. Жаҳон иқтисодчилари тадбиркорлик ва оилавий бизнесга бу ҳолатларнинг ечими ва бандликни таъминлашнинг энг асосий манбаи сифатида қарамоқдалар. Оилавий бизнес хусусий тармоқда бизнесни бошқаришнинг анъанавий усулларида бири ҳисобланади ва иқтисодиётнинг барча секторлари учун ўзининг аҳамиятли ўрнига эга. Глобал миқёсда оилавий бизнес дунё аҳолисининг 50 фоизини зарур хизматлар ва маҳсулотлар билан таъминлайди ҳамда дунё бизнесининг бешдан тўрт қисми оилавий бизнес ҳисобига тўғри келамоқда. Европада 70-80% корхоналар оилавий бизнес кўринишида ташкил этилади ва у бандликнинг 40-50 фоизини таъминлайди. Шимолий Америкада тадбиркорлик секторининг 80-90 фоизи оилавий бизнес ҳиссасига тўғри келади ва АҚШ аҳолиси бандлигининг 64 фоизини таъминлайди. “Pricewater house Coopers” халқаро ташкилоти томонидан ўтказилган сўровнома натижаларига кўра иштирокчиларнинг 72 фоизи ривожланаётган мамлакатларда оилавий бизнесни иқтисодий ўсишни ва барқарорликни таъминловчи самарали омил сифатида тан оладилар. Шунингдек, оилавий бизнесни ҳудудий ривожланишни ва ўсишни таъминлашда муҳим рол ўйновчи омил сифатида кўрсатади. Ўзбекистон Марказий Осиё мамлакатлари ўртасида энг катта аҳоли сонига эга давлат бўлиб, аҳоли бандлигини таъминлаш мамлакатимиз олдида тўрган энг долзарб масалалардан бири ҳисобланиб келмоқда. Оилавий бизнес имкониятларидан фойдаланиш (касаначилик, ҳунармандчилик, нонвойлик, уй боғча ва яслилари очиш, қўшимча дарс ўтиш ва ҳ.к.) ички имкониятлардан фойдаланишнинг муносиб йўлларида биридир. Оилавий бизнеснинг иқтисодиётга самарали таъсирини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистонда ҳам 2012 йил 26 апрелда Ўзбекис-

тон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Мазкур қонун 35 моддадан иборат бўлиб, унинг асосий мақсади оилавий тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат. Оилавий бизнес дунё бўйлаб энг кенг тарқалган ва қадимий бизнес шаклларида бири ҳисобланади ҳамда оилавий бизнеснинг устунликлари

кўплаб илмий мақолаларда ҳам ўз исботини топган.

Сўнгги йилларда кичик бизнес субъектларининг мамлакатимизда янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатидаги натижалари салмоқли бўлиб бормоқда (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Ўзбекистонда янги иш ўринларини яратишда кичик бизнес субъектларининг улуши [2]**

№	Кўрсаткичларни номи	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
1	Янгидан ташкил этилган иш ўринлари, минг киши	920	940,5	950	1050	1120
2	шу жумладан:					
3	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда, минг киши	542,8	530,4	541,5	553,4	551,0
4	Фоиш ҳисобида	59,0	56,4	57,0	52,7	49,2
5	Жами иқтисодиётдаги банд бўлганлар сонига нисбатан улуши, фоиш ҳисобида	78,2	78,0	76,3	76,2	73,8

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2016 йилда мамлакатимизда жами 920 мингдан ортиқ янги иш ўринлари ташкил этилган бўлса, шундан қарийб 542,8 минг кичик бизнес ҳиссасига тўғри келган. 2020 йилда эса бир миллиондан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Таъкидлаш жоизки, янги иш ўринларининг 64 фоишдан ортиги кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ривожини рағбатлантиришни янада кучайтириш, хусусан уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш, 28 фоишдан зиёди эса янги корхоналар ташкил этиш, касаначиликнинг турли шакллари кенгайтириш ҳисобидан яратилди. 2020 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида мамлакатимизнинг иқтисодиётида банд бўлган жами аҳолининг 73,8 фоиши фаолият кўрсатди[12].

Шу билан бирга жадвал маълумотлардан кўринадики, кичик бизнес субъектларининг бандликдаги улуши 2016 йилда 59,0 фоишга ташкил этган бўлса, 2020 йилда бу кўрсаткич 49,2 фоишга етди ёки 2016 йилга нисбатан 9,8 фоишга камайган[12]. Бу кўрсаткич 2019 Covidни юртимизга кириб келиши натижасида аҳолини иш билан бандлигини таъминлашда бир оз тўсиқлик қилганини натижаси бўлганлигидан, айрим корхоналарни вақтинча тўхтаб қолиши кўрсаткичларни пасайишига олиб келди. Бу эса кичик бизнес субъектларининг аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этишда муҳим ўрин эгаллашини кўрсатмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев 2019 йилнинг асосий якуналари ва 2020 йилдаги Мурожаатномасида Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида, “...Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси томонидан маъқулланган 2020 йилда иш ўринлари яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури барчамизнинг диққат марказимизда туритиши зарур. Ушбу дастурга биноан бир миллиондан ортиқ иш ўрни яратиш, уларнинг қарийб 800 мингини қишлоқ жойларда ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ҳисобидан 500-6000 мингдан зиёд кишини ишга жойлаштириш, биринчи навбатда, корхоналар билан ҳамкорликда меҳнат шартномалари асосида касаначиликнинг турли шакллари, шунингдек оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали 300 мингдан ортиқ кишининг бандлигини таъминлаш режалаштирилган. Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи доимий эътибор марказида туриши зарур. Статистик маълумотлар кўрсатишича, бугунги кунда республикаимизда жами банд бўлганларнинг 20 фоиши давлат, 80 фоиши нодавлат, шунингдек, 74 фоиш хусусий соҳада меҳнат келмоқда[12].

Ушбу статистик рақамлар таҳлили давлат корхоналарида ишловчиларни сони қисқариб, хусусий соҳада бандликни ортиши юз бераётганлигини кўрсатмоқда. Бу эса республикаимиз ҳукумати томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йул очиб берилиши, шунинг асносида аҳолининг бандлигини ошириш билан бирга оилаларни иқтисодий барқарорлигини таъминлашга қаратилган иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга оширилаётганлигидан далолат беради.

Иқтисодий ислохотларнинг янги bosқи-чида мамлакат аҳолисининг иш билан бандлиги даражасини ошириш ва меҳнат бозорини тартибга солиш соҳасидаги қуйидаги йўналишлар бўйича амалга оширилмоқда:

- иқтисодий ривожлантириш негизида янги иш ўринлари яратилмоқда;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик-ка кенг имкониятлар очилиб, бу фаолият қизгин қўллаб қувватламоқда;

- аҳолининг меҳнат фаоллигини, оилавий ижара, деҳқон ва фермер хўжалиklarини ривожлантириш негизида аҳолининг ўзини-ўзи иш билан банд қилиш даражаси оширилмоқда;

- аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат бозори такомиллаштирилмоқда. Бунинг учун зарар кўриб ишлайдиган корхоналарни тугатиш ёки ихтисосини ўзгартириш ишлари олиб борилмоқда.

Бизнинг фикримизча, ишчи кучига талабни ошириш бўйича иқтисодий тадбирлардан энг асосийси иқтисодий тармоқларида таркибий ўзгаришларни амалга оширишдир. Бунга энг аввало мулкчилик шакллари ривожлантириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, янги иш жойларини яратиш, иш вақтидан унумли фойдаланиш, ишловчиларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини кўтариш, солиқларни оқилона белгилаш орқали эришилади.

Муҳими иқтисодий тадбирлар мажмуасига қайта ишлаш саноати ва ҳизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойларини яратиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга давлат томонидан имтиёзли кредитлар бериш, илғор технологияларни тадбир этиш, бозор шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва қайта ишлаш саноати тармоқларининг асосий маҳсулотларига давлат буюртмасини белгилаш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва ижтимоий ишларни маблағ билан таъминлаш киради.

Бу тадбирлар қўшимча иш жойларини ташкил қилишда энг кам инвестицияни назарда тутати ва меҳнат ресурсларига талабни оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини маблағлар билан таъминлашнинг манбалари бўлиб маҳаллий бюджет, бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳамда хусусий тадбиркорларнинг шахсий жамғармалари ҳизмат қилади. Бугунги кунда айниқса, минтакаларда аҳоли бандлиги, ишлаб чиқаришни меҳнат ресурси билан таъминлаш масалаларини ўрганишни ҳаётни ўзи тақозо этмоқда.

Республикамизда меҳнат биржаси ва бандлик ҳизматининг бошланғич ташкилотлари ташкил этилиб, улар ишсизлик ва бўш ўринлар миқдори ва тузилишининг ҳисоб-китоби, таҳлили ва келажаги, банд бўлмаган аҳолини ишга жойлаштириш ва қайта ўқитиш, бандликка кўмаклашиш жамғармасини ташкил қилиш ва сарфлаш ишлари билан шуғулландилар, ки-

чик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик доирасида имтиёзли кредитларни ажратиш йули билан янги иш жойларини яратишга муайян молиявий ёрдам кўрсатилиб келинмоқда. Иқтисодий тармоқларида, айниқса қишлоқ хўжалигида таркибий ислохотлар амалга оширилиб ходимлар ва иш берувчилар ўртасида ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари яратилди ва бошқалар.

Кейинги 10 йил давомида ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълим тизимида 100 дан зиёд йўналиш, 265 та мутахассислик ва 700 та касб бўйича таълим олган ва замонавий фикрлаш салоҳиятига эга бўлган бир миллион нафардан ортиқ янги авлод мутахассислари тайёрланди[3].

**Натижалар.** Юқоридагиларга асосланиб, республикамиз ва унинг минтакаларида аҳолининг бандлигини ошириш, меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишда қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- маълумки, мамлакатимизда аҳолининг 62,5 фоизидан кўпроғи қишлоқ жойларида яшайди. Шунга мувофиқ меҳнатга яроқли аҳолининг ҳам шунча қисми қишлоқ аҳолиси ҳисобига тўғри келади. Шунинг учун қишлоқ аҳолисининг фаолияти соҳалари ва турларини кенгайтириш талаб қилинади;

- айни пайтда бугун алоҳида муҳим аҳамият касб этадиган яна бир масала - ёшларни, бўлғуси кадрларни тайёрлаш сифати билан боғлиқ. Табиийки, бу борада педагогик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими қандай ташкил этилгани ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу масала умумий ўрта ва ўрта махсус таълимни ислоҳ қилиш тизимининг энг долзарб вазифаси бўлмоғи зарур. Лицей ва коллежларимизда таълим жараёнларига олий ўқув юрларининг тажрибали амалиётчи ва ўқитувчиларини янада кенг ва фаол жалб этиш лозим:

- ижтимоий йўналтирилган меҳнат бозори фаолиятини йилдан-йилга кенгайтириб бориб, улар томонидан ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларини мунтазам ўтказилишини таъминлаш зарур;

- меҳнат ресурсларига талаб ва таклифни тартибга солувчи мустаҳкам ривожланган маҳаллий ва хорижий бандлик ҳизмати ташкилотлари тизимини такомиллаштириш лозим;

- республика ва унинг минтакаларида янги иш жойларини ташкил этиш, аҳоли бандлик даражасини ошириш ва ишлаб чиқариш салоҳиятидан мақсадли фойдаланиш бўйича чуқур иқтисодий ҳисоботларни амалга ошириш зарур;

- аҳолини оқилона бандлигини такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган дастурларнинг мониторингини мунтазам олиб бо-

риш лозим;

- қайта ишлаш саноати, ҳизмат кўрсатиш соҳаларида янги иш жойларини яратиш керак;

- меҳнат ресурсига талабнинг ошиши ва ишсизликнинг камайишини таъминловчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш лозим;

- хизмат кўрсатиш соҳаларини самарали маҳаллий ва хорижий техника ва бошқа технология билан таъминлаш даркор;

- меҳнат бозори, ишсизлик ва аҳоли бандлиги жараёнларини тартибга солувчи ташкилий-иқтисодий ва ҳуқуқий механизмларни тақомиллаштириш лозим.

**Мунозара.** Шу билан бирга мамлакат меҳнат бозори ривожланишида қатор муаммолар мавжуд бўлиб, улардан энг муҳими меҳнат ресурсларининг салмоқли қисмини ташкил этувчи ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш муаммосидир.

Президент Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 январда бўлиб ўтган мажлисида умуман аҳолини, шу жумладан ёшларни иш билан таъминлаш, жумладан, шаҳар, вилоятлардаги ёшларни коллежни битирганларидан сўнг ўз соҳалари бўйича иш топишларини таъминлаш борасида мақсадли режалар тайёрлаш ва уни амалга ошириш масалаларини ўрганиб чиқишни, “корхона-коллеж” алоқаларини қўллаб-қуватлашни таъкидладилар [1].

Меҳнат бозорида ёшлар гуруҳнинг бошқа гуруҳларга қараганда бетакрорлиги шундаки, айнан ёшлар меҳнат бозорига илк бора кириб борадилар. Улар мобил, янгиликка тез ўрганувчан, ўз кучига ишонувчан, лекин ёшларнинг иш билан бандлигини таъминлаш борасида бажарилаётган ишлардаги хатоликлар ва камчиликлар уларнинг соҳаларига мос иш топишлари, ҳаётий эҳтиёжларини қондириш учун етарли иш ҳақи билан таъминланмасликларига олиб

келади. Ҳозирги даврда ёшларни иш билан таъминлаш борасида бир қанча муаммолар мавжуд, жумладан:

- кўпчилик ёшлар ўзлари ҳали қандай фирма ёки компанияда ишлашни хоҳлашларини кўз олдиларига келтира олмайдилар, яъни қандай ишни танлашни аниқ билмайдилар;

- ёшлар ҳам, давлат ҳам ўқитиш вақтида анча вақтни оладилар, лекин шунга қарамасдан олий ўқув юртларида олинган билим ҳамма соҳада ҳам етарлича булавермайди;

- ёшларнинг меҳнат бозорида рақобатбардош эмаслиги натижасида иш берувчилар уларни ёллашни хоҳламайдилар, кўпинча улар камда 3 йиллик иш стажига эга бўлганларни олишни хоҳлайдилар.

Мамлакатимизнинг ёшлар меҳнат бозорида талаб ва таклиф мувозанатини таъминлаш мақсадида уларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини рағбатлантириш бўйича қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

- ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш бўйича меъёрий ҳуқуқий-ҳужжатларни тақомиллаштириш;

- ёш тадбиркорларга молия-кредит ва хом-ашё ресурсларини олишларида ёрдам бериш тизимини шакллантириш;

- ёш тадбиркорлар учун солиқ имтиёзларини кенгайтириш;

- уларнинг ташқи иқтисодий фаолиятидаги иштирокини кенгайтиришни қўллаб-қуватлаш;

- ёш тадбиркорларни бозор конъюнктураси, хом-ашё ва молиявий ресурслар бозори бўйича ахборот билан таъминловчи инфратузилмани шакллантириш;

- ёш тадбиркорларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, малакасини ошириш тизимини янада ривожлантириш ва бошқалар.

2-жадвал

**Ўзбекистон Республикасида 2019-2020 йилларда яратилган янги иш ўринлари (минг киши) [12]**

№	Ўйнаишлар	2019 йил	2020 йил
1	Иш ўринларини ташиқил этиш, жами шу жумладан, қуйидагилар ҳисобидан	1050	1120
2	Янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, ишлаб турган корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш	67,3	57,9
3	Кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш	365,8	365,9
4	Якка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш	111,9	117,2
5	Қасаначиликнинг барча шакллари ташкил этиш	240,1	270
6	Фермер ва деҳқон хўжаликларини ривожлантириш (паррандачилик, балиқчилик, асаларичилик)	150,4	180,4
7	Ишлаб чиқариш, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш	93,9	113
8	Ишламаётган корхоналар фаолиятини тиклаш	20,6	15,6

2020 йилда мамлакатимизда 1120 минг иш ўринлари яратиш мўлжалланган бўлиб, шундан, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд корхоналарни кенгайтириш ва қуватларни янгилаш ҳисобидан 57,9 минг иш ўрни, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобидан 365,9 минг иш ўрни, яқка тартибдаги тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 117,2 минг иш ўрни, уй меҳнати ва касаначиликни ривожлантириш ҳисобидан 270 мингдан ортиқ иш ўрни, фермер ва деҳқон хўжалиқларини ривожлантириш ҳисобидан 180,4 минг иш ўрни, ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобидан 113 минг иш ўрни, ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобидан эса 15.6 минг иш ўрни яратилди (2-жадвал).

Жадвалдан кўришиб турибдики, 2020 йилда мамлакатимизда жами 1120 мингта янги иш ўрни ташкил этилган бўлиб, уларнинг қарийб ярмини кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, яқка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш ишлари кўламини кенгайтириш ҳисобидан яратилди.

**Хулоса ва таклифлар.** Аҳоли таркибидан маълумки, меҳнат бозорида тенг шароитларда

рақобатлашишга қодир бўлмаган шахслар ичида битирувчи ёшлар кўпчиликни ташкил этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, 2020 йилда янги иш ўринлари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш натижасида оилаларнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш асосий йўналишлари қуйидагилардан иборатдир:

- кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришни такомиллаштириш;
- уй меҳнати (касаначилик)ни ривожлантириш;
- янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, мавжуд қувватларидан унумли фойдаланиш, корхоналарни кенгайтириш;
- ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш механизимини такомиллаштириш;
- фермер ва аҳоли хўжалиқлари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш, интенсив технологияларни жорий этишни жадаллаштириш;
- ишламасдан турган корхоналар фаолиятини тиклаш, молиявий соғломлаштириш ва имтиёзли кредитларни йўналтириш ва бошқалар.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Президент Ш.М.Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 январда бўлиб ўтган мажлисида маърузаси Халқ сўзи газетаси 2020 йил
2. Ўзбекистон Республикаси Статистикасининг 2020 йил натижалари тўплами.
3. Социальное развитие и уровень жизни населения Узбекистана. – Тошкент, 2020. – С. 72-73
4. Эгамова Д.Н. Бозор иқтисодиёти шароитида Қашқадарё вилоятида оиланинг социал-демографик хусусиятлари. Иқт.фан. номзод. дисс.. – Т.:2006. – 14-б.
5. Гудкова О.В. РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ МАЛОГО БИЗНЕСА, ПОЛОЖЕНИЕ В СОВРЕМЕННОЙ ЭКОНОМИКЕ // Хроноэкономика. 2020. №3 (24). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rol-i-znachenie-malogo-biznesa-polozhenie-v-sovremennoy-ekonomike> (дата обращения: 22.12.2021).
6. А. Абдуллаев, А. Сотволдиев, А. Қодиров ва бошқалар. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этиш, режалаштириш ва бошқариш”. Ўқув қўлланма. Т.: “фан ва технология” 2005 йил
7. Х.Т.Азизов, О.Оқюлов ва бошқалар. “Тадбиркорлик бизнес ҳуқуқи”. Дарслик. Т.: ТДЮУ нашриёти 2016 йил 363б.
8. М.П.Эшов. “Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши”. Монография. Т.: Маънавият 2017 й. 128 б.
9. Бубнов Ю.М. Социологические факторы гормонализации супружеских отношений. Автореферат док .соц. наук. – М.: 1996. – С.6.
10. Аъзамов С.М. Оилани ижтимоий ҳимоялашнинг самарали механизмини шакллантириш (Андижон вилояти мисолида). Иқтисод фанлари номзоди диссертацияси. - Андижон, 2006. 118-120-б.
11. Зокирова Н. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни такомиллаштириш (Ўзбекистон Республикаси оилалари мисолида). Иқт.фан.номз.дисс.. – Т.,2001. 95-98-б.
12. Маълумотларни қайта ишлаш йўли орқали ишлаб чиқилди
13. <http://www.ijeais.org/> D.Rustamova Ways to increase the efficiency of services and business activities in the system of higher education.
14. <https://www.iupr.ru/teknomer.> D.Rustamova Состояние и развитие малого бизнеса и частного предпринимательства в Узбекистане и зарубежный опыт
15. <https://scholar.google.com/scholar?oi=bibs&cluster=12370807636747912630&btnI=1&hl=ru>